


Давлат активларни бошқариш
агентлиги томонидан
2022 йил 1 январь ҳолатига
амалга оширилган ишлар тўғрисида

ҲИСОБОТЛАР



МУНДАРИЖА

ТҲР	Ҳисобот номи
АГЕНТЛИК ТАРКИБИЙ БЎЛИНМАЛАРИ	
I	Давлат активларининг реестрини юритиш
II	Давлат активларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш
III	Мулқдор ҳуқуқлари ва функцияларини таъминлаш
IV	Давлат иштирокидаги корхоналарни корпоратив кўрсаткичлари таҳлили
V	Тўловга қобилиятсизлик жараёнини юритиш
VI	Замонавий IT технологияларини жорий этиш
VII	Баҳолаш ва риэлторлик фаолиятини мувофиқлаштириш
VIII	Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ривожлантириш
IX	Ташкилий ва ижро интизоми назорати
АГЕНТЛИКНИНГ ТИЗИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
X	Бўш турган биноларни аниқлаш, улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш
XI	Бўш ер участкаларини савдога чиқариш
XII	Қимматли қўғозлар бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш

Агентлик фаолиятининг асосий йўналишларида амалга оширилган чора-тадбирлар бўйича

ҲИСОБОТЛАР

I. Давлат активларининг реестрини юритиш

Умумий маълумотлар:

давлат иштирокидаги корхоналар 2021 йил 1 январь ҳолатига **2781 та** ва 2022 йил 1 январь ҳолатига **2144 та**ни ташкил этди.

а) давлат активларининг мулкчилик-ҳуқуқий шакли бўйича (жами – **27 020 та**):

- акциядорлик жамиятлари – **231 та** (25 фоизгача – 34 та, 25-50 фоизгача – 45 та, 51-99 фоизгача – 116 та, 100 фоиз – 36 та);
- масъулияти чекланган жамиятлар – **1 020 та** (25 фоизгача – 84 та, 25-50 фоизгача – 83 та, 51-99 фоизгача – 568 та, 100 фоиз - 285 та);
- давлат унитар корхоналари – **893 та.**
- давлат муассасалари – **24 876 та.**

б) давлат мулкларининг давлат муассасалари йўналишлари бўйича бириктирилиши (жами – **24 876 та**):

- давлат бошқарув органлари – **66 та**;
- ижтимоий соҳа ташкилотлари – **20 530 та**;
- органлар (ИИБ, ДХХ ва бошқалар) – **532 та**;
- бошқа давлат органлари – **3 748 та.**

в) давлат иштирокидаги корхоналар турлари бўйича (жами – **2144 та**):

- йирик стратегик корхоналар – **23 та**;
- йирик корхоналар – **503 та**;
- кичик корхоналар – **568 та**;
- микрофирмалар – **1 050 та.**

25 769 та давлат ташкилотлари (давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари)дан йиллик **25 286 та**си (98 %) давлат мулк объектлари тўғрисидаги ҳисоботлар property.davaktiv.uz ахборот тизимига киритилиши таъминланди;

Давлат кўчмас мулк объектлари бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилоти тасарруфига ўтказиб бериш бўйича Агентликнинг **56 та** қарори қабул қилинди;

II. Давлат активларини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш

Инвестицион жозибадорлигини оширган давлат активларини хусусийлаштириш жараёнида:

а) **2021 йил** давомида хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш юзасидан 2 та Фармон ва 1 та қарор қабул қилинди.

Ушбу Фармон ва қарорларларнинг қабул қилиниши натижасида йил давомида **750 та** давлат активлари **7,1 трлн. сўмга** (сўнги 4 йилга нисбатан **5,5 баробар** ортиқ) **сотилиб, 3,8 трлн сўм**лик тушум таъминланди.

Йил давомида, **15 та** йирик корхоналар **5,2 трлн.сўмга, 7 та** йирик кўчмас мулк объектлари **835 млрд.сўмга, 38 та** Давлат иштирокидаги корхоналар тасарруфидаги носоҳавий активлар **25 млрд.сўмга**, ҳудудий даражадаги активлар **1,04 трлн.сўмга** сотилди.

Халқаро тажриба асосида хусусийлаштириш жараёнига “Ротшильд”, “Делойт”, “КейПиЭмДжи”, “Грант Торнтон” каби нуфузли молиявий консультантларни жалб этган ҳолда савдоларни ташкил бўйича йўлга қўйилган янги тартиб ўзининг ижобий натижаларини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2021 йил 13 февралдаги ПҚ-4992-сон** қарорига асосан “**Фарғонаазот**” АЖ устав капиталидаги давлат ва “Ўзкимёсаноат” АЖнинг йирик улуши ҳамда “**Деҳқонобод калий заводи**” АЖ устав капиталидаги “Ўзкимёсаноат” АЖнинг йирик улушларини хусусийлаштириш бўйича халқаро консултатлар жалб этилиши натижасида “Фарғонаазот” АЖдаги 99,02 % акция пакети савдоларга чиқарилди ҳамда “Деҳқонобод калий заводи” АЖдаги акция пакетларини сотиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Хусусийлаштириш борасида тўпланган тажриба асосида бир қатор йирик давлат активлари самарали сотилишига эришилди.

Жумладан, “Coca-Cola Ichimligi Uzbekiston, Ltd” МЧЖ (**252,3 млн долл**), “Кафолат суғурта компанияси” АЖ (**72 млрд сўм**), Тошкент шаҳридаги собиқ маъмурий бино (ДХХнинг собиқ биноси) (**210 млрд сўм**), “Газеталар ишлаб чиқариш мажмуаси” биноси (**78 млрд сўм**), каби давлат активлари салоҳиятли инвесторларга сотилди.

давлат улуши бўлган корхоналар сонини **камида 3 баробар** қисқартириш бўйича белгилаб берилган вазифалар ижроси доирасида 2021 йилда давлат иштирокидаги корхоналардан **1 040 тасини** сотиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш орқали давлат иштирокидаги корхоналар реестридан чиқарилди, натижада улар сони **35 фоизга қисқарди.**

б) давлат активлари бўйича савдоларнинг янада шаффофлиги ва очиқлигини таъминлаш мақсадида электрон онлайн аукцион фаолияти такомиллаштирилди, хусусан:

аукцион иштирокчиларига, шу жумладан **чет эл фуқароларига электрон рақамли имзо** калити сертификати масофадан туриб, **бепул тақдим қилиниши йўлга қўйилди;**

жисмоний ва юридик шахслар томонидан объектларни аукционга чиқариш учун тўланадиган **йиғим бекор қилинди;**

аукционда иштирок этувчилар сони очиқланиб, савдо жараёнини **онлайн режимида кузатиб бориш** имконияти яратилди;

савдо ғолиблари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида **иштирокчини рози қилиш (эскроу) механизми** ишга туширилди.

Инвестиция мажбуриятлари бажарилиши мониторинги

Ўтган 2021 йил давомида назоратдаги жами **18,1 трлн. сўм** инвестиция киритиш ва **54,6 минг та** иш ўрни яратиш мажбуриятлари билан сотилган **1 667 та** давлат активлари бўйича мониторинг олиб борилди. Шундан 2022 йил 1 январь ҳолатига:

545 та объект тўлиқ ишга туширилиб, **2,7 трлн сўм** инвестиция киритилди ва **13 522 та** янги иш ўринлари яратилди, шундан, камбағал тоифадаги аҳоли – **974 та**, аёллар – **4 413 та**, ёшлар – **4 875 та**;

жами **12,5 трлн. сўм** инвестиция киритиш ва **31,2 минг та** иш ўрни яратиш мажбуриятлари билан сотилган **857 та** давлат активлари бўйича мониторинг олиб борилмоқда.

III. Мулкдор ҳуқуқлари ва функцияларини таъминлаш

1) Иқтисодиётда давлат иштирокидаги корхоналар сонини қисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини қайта ташкил этиш ва тугатиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 июндаги **350-сон қарори** қабул қилинди.

Қарор иловалари билан жами 593 та давлат иштирокидаги корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатиш белгиланган, жумладан:

66 та давлат унитар корхоналарини **давлат муассасалари** сифатида қайта ташкил этиш

73 та давлат унитар корхоналарини **филиал кўринишида** қайта ташкил этиш

454 та корхоналарни қонунчиликда белгиланган тартибда **тугатиш** белгиланган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида, 2021 йил 31 декабрь ҳолатига 1-иловадаги 66 та ДУКлардан **64 таси** давлат муассасалари сифатида ҳамда 2-иловадаги 73 та ДУКлардан **69 таси** филиал сифатида қайта ташкил этилди, 3-иловадаги **454 та** давлат иштирокидаги корхоналардан **221 та** белгиланган тартибда тугатилди.

Қолган **239 та** давлат иштирокидаги корхоналарни қайта ташкил этиш ва тугатиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

2) Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги **800-сон** қарорига асосан давлат иштирокидаги **295 та** корхоналардан **239 таси** тугатилди, **3 таси** сотилди. Қолган **53 таси**ни тугатиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

3) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўзшаробсаноат” АЖ, “Ўзбекозиқовқатхолдинг” АЖ, “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ, “Ўзагрокимёҳимоя” АЖ, “Силк Роад Иншурнс” АЖ ва “Агротехмаш ДД” МЧЖ каби давлат иштирокидаги йирик корхоналарда тугатиш ишлари давом эттирилди. Шундан, “Силк Роад Иншурнс” АЖда тугатиш ишлари тўлиқ якунланиб, давлат реестридан чиқарилди.

4) Давлат улуши мавжуд хўжалик жамиятларининг бўш турган ва асосий фаолиятига хос бўлмаган активларидан самарали фойдаланиш мақсадида, Давактив агентлиги томонидан Ҳукумат қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 4 майда “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг активларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **266-сон қарори** қабул қилинди.

Қарорга асосан давлат иштирокидаги корхоналарнинг **690 та** кўчмас мулк объектлари Давактив агентлигига давлат мулки сифатида баланс қийматида ўтказилиши ва кейинчалик оммавий савдолар орқали сотилиши ҳамда **63 та** кўчмас мулк объектларидан самарали

фойдаланиш мақсадида, улар давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижроия ҳокимияти органларига давлат мулки сифатида баланс қийматида оператив бошқариш ҳуқуқи асосида бепул ўтказилиши белгиланган.

Шунга кўра, қуйидаги ишлар амалга оширилди:

532 та активлар Давлатив агентлиги тасарруфига ўтказилган;

31 та объект (*Жамиятлар ва МИБ томонидан қарор қабул қилинишидан олдин*) сотилган;

14 та объект Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жуқори Кенгаши Президиумининг қарорларига мувофиқ КСЗга, самарали фойдаланиш мақсадида жамият ихтиёрига, уй-жой сифатида фуқароларга ва тадбиркорлик субъектларига берилган;

14 та объект Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекцияси (кейинги ўринларда – ДАҚН) ҳулосасига асосан бузиб туман ҳокимликлари ер фонди захирасига берилган;

42 та активлар Давлат бошқарув органлари, маҳаллий ҳокимликлар ва ҳўжалик жамиятларига ўтказилган.

120 та активлар бўйича топшириш ва қабул қилиш ишлари олиб борилмоқда.

5) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4629-сон Қарори ижросини таъминлаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги **170-сон қарори** қабул қилиниб, унга кўра, “Навоий КМК” ДК мол-мулклари негизида қуйидагилар:

“Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ (**132 та** актив) ташкил этилиши;

“Навоий кон-металлургия комбинати жамғармаси” давлат муассасаси (**166 та** актив) ташкил этилиши;

“Навоий КМК” давлат корхонаси номланишини “Навоийуран” давлат корхонаси этиб ўзгартирилиши белгиланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 мартдаги 170-сон қарори ижросини амалга ошириш бўйича **қуйидагилар амалга оширилди**:

Биринчидан, қарорнинг 1-иловасидаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, жумладан давлат активларини бошқариш агентлигига топширилиши белгиланган **304 та** активлари топширилди.

Шунингдек, Молия вазирлиги таъсисчилигида “Навоий кон-металлургия комбинати” АЖ ташкил этилди.

Иккинчидан, Давлатив агентлигининг 2021 йил 29 апрелдаги 15-ҚР-сон қарори билан “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этилди ҳамда “НКМК жамғармаси” давлат муассасаси юридик шахс сифатида 2021 йил 30 апрелда давлат рўйхатидан ўтказилди.

Шунингдек, Жамғарманинг Устави ва ташкилий тузилмаси ишлаб

чиқилиб, тасдиқланди ҳамда Жамғармага раҳбар тайинланди.

Учинчидан, “Навоий КМК” давлат корхонаси томонидан “Навоий КМК” АЖ ва Жамғармага активларни ўтказиш ишлари якунланди.

“Навоий КМК” давлат корхонасининг номланиши 2021 йил 28 декабрда **“Навоийуран” давлат корхонаси** деб ўзгартирилади “Навоийуран” ДКнинг Устави ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

6) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 16 мартдаги ПФ–5887-сон Фармони 9-банди ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 апрелдаги 261-сон қарори қабул қилинди.

Қарорга асосан **13 та** профессионал футбол клубларидан 10 тасидаги давлат улушлари давлат органлари ва хўжалик жамиятларига топшириш қабул қилиш ҳужжатида асосан топширилди.

Давактив агентлиги ҳамда Давлат хизматлари маркази томонидан ПФКларининг таъсис ҳужжатларига таъсисчи ўзгариши муносабати билан тегишли ўзгартиришлар киритилди.

7) Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 114-сон қарорига асосан **39 та давлат улуши устувор бўлган хўжалик жамиятларида комплаенс хизматини жорий этилди.**

8) Давактив агентлиги иштирокидаги **297 та** устав капиталида давлат улуши **50 фоиз** ва ундан ортиқ миқдорда бўлган хўжалик жамиятлари умумий йиғилишида, шунингдек, давлат корхоналари бошқарув органларида камида бир нафардан ўринбосари лавозимларини қисқартириш, шунингдек, бошқарув ходимлари сонини **10 фоиз** миқдорида мақбуллаштириш масаласини бошқарув органларида кўриб чиқилди. Натижада, жами **62 та** раҳбар ўринбосарлари лавозими ва **215 та** бошқарув ходимлари қисқартирилди.

IV. Давлат иштирокидаги корхоналарни корпоратив кўрсаткичлари таҳлили департаменти

Молиявий кўрсаткичлар

а) ҳисобот даври якуни бўйича **1 368 та** давлат иштирокидаги корхоналар солиқ органларига ва “Давлат мулки” сайтига ҳисобот тақдим этган (*шу жумладан 25 та йирик стратегик корхона*). Шундан:

- **соф тушум** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **278 та** корхонада камайган.

- **таннарх** ўртача **2%**га камайган (*бунда 8 та йирик корхоналарда таннарх ошган*).

- **давр харажатлари** **16,3 трлн.сўм**ни ташкил этган (*24,8% га ошган*), Бунда **827 та** корхонада ўтган йилга нисбатан ўсиш кузатилган, шундан йирик корхоналар – **21 та**.

- **соф фойда** **317 та** корхонада ўтган йил мос даврига нисбатан камайган, шунингдек, **188 та** корхона **6,3 трлн. сўм зарар** кўрган (*ўсиш-134,4%*).

- **бюджетга** тўловлар **386 та** корхонада камайган (*7 таси йирик корхоналар*).

- **жорий кредитор қарздорлик** **524 та** корхонада кўпайган, шундан **15 та**си йирик корхоналар.

- **дебитор қарздорлик** **514 та** корхонада ошган, шундан **17 та**си йирик корхоналар.

б) **Импорт** ҳажми **4 288,2 млн.долл.** ёки Республика импортининг **23,9%**ни ташкил этган, шундан **1 438,3 млн.долл.** йирик корхоналарга тўғри келади, уларнинг **89 таси**да импорт ўтган йилга нисбатан ошган.

в) **Экспорт** **3 566,1 млн.доллар**ни ёки Республика экспортининг **34,5%**ни ташкил этган

д) Дивиденд

2022 йил 1 январ ҳолатига **1 269 та** корхоналар томонидан **13 886,2 млрд.сўм (121,1%)** дивиденд ва ажратмалар давлат бюджетига тўланган, ўтган йилнинг шу даврига (**9 826,7 млрд.сўм**) нисбатан – **1,1 баробар** кўп;

Маълумот учун: Дивидендларнинг **93** фоизи **5 та** йирик корхона ҳиссасига тўғри келади (“Навоий КМК” – **9 955,1 млрд.сўм**, “Олмалиқ КМК” АЖ – **2 445,2 млрд.сўм**, “Ўзбекнефтегаз” АЖ – **179,3 млрд. сўм**, “Coscom” МЧЖ – **142,3 млрд. сўм**, ва “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ – **131,3 млрд. сўм**).;

V. Тўловга қобилиятсизлик жараёнини юритиш

1. Банкрот корхоналарни тугатиш бўйича

2021 йилда жами **10 361 та** (1621 таси 2020 йилдан ўтган, 8740 таси жорий йилда банкрот деб топилган) корхоналарда (мулки мавжуд – **177 та**, шундан давлат иштирокидаги корхоналар – **17 та**) тугатиш ишлари олиб борилиб, уларнинг **7 162 та**сида (**69,1** фоизи) тугатиш ишлари якунланган (мулки мавжуд – **62 та**).

Мулки мавжуд тугатилаётган **97 та** корхонадан:

- **31 та**си (**58,8 млрд.сўм** бошланғич қийматда) “E-ijro auksion” электрон-онлайн савдосига чиқарилган;

- **37 та**сида хатлов, **22 та**сида баҳолаш, **6 та**сида учинчи шахслардан мулкани қайтариш бўйича суд жараёнлари олиб борилмоқда;

19 тасининг мол-мулклари сотилиб, кредиторга ёки маҳаллий ҳокимликларга бериш ишларини якунлаш орқали тугатиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, **16 та** корхонанинг **10,0 млрд.сўм** кредиторлик қарздорлиги қопланиб, фаолияти тикланган.

Маълумот учун: Мол-мулки мавжуд банкрот корхоналарнинг жами **65,0 млрд.сўмдан** ортиқ кредиторлик қарздорликлари қопланган.

2. Суд бошқарувчилари фаолиятини назорат қилиш бўйича

63 нафар суд бошқарувчиси талабгори имтиҳондан ўтказилиб, имтиҳондан муваффақиятли ўтган **44** нафар талабгорга суд бошқарувчиси малака аттестати берилди ва суд бошқарувчилар сони **244 та**га етказилди.

VI. Замонавий IT технологияларни жорий этиш масалалари

Агентлик томонидан жисмоний ва юридик шахсларга тўғридан-тўғри мулоқотсиз **4 та** (Риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини бериш, Малака сертификати муддатини узайтириш учун риэлторларнинг малака имтиҳонини ўтказиш, Баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш ва уларга малака сертификатини бериш, Малака сертификати муддатини узайтириш учун баҳоловчиларнинг малака имтиҳонини ўтказиш) электрон хизмат Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) орқали кўрсатиш йўлга қўйилди ва **Ягона биллинг тизимига уланди.**

Агентликнинг расмий веб-сайти орқали **Суд бошқарувчилар тўғрисида маълумотлар ҳамда уларнинг аттестатларини ҳақиқийлигини текшириш имконияти яратилди.**

Агентлик томонидан Давлат улуши мавжуд корхоналарнинг самарадорликнинг муҳим ва фаолиятининг асосий кўрсаткичларини ошқор қилиш ҳамда бизнес-режаларини мониторинг қилиш учун kpi.davaktiv.uz **сайтининг янгиланган талқини ишга туширилди.**

Давлат иштирокидаги корхоналарда кузатув кенгаши аъзолари тўғрисидаги ошқор қилиш, реестрини юритиш бўш иш ўринларини эълон қилиш ва улар бўйича аризаларни қабул қилиш cns.davaktiv.uz ахборот тизими **ишга туширилди.**

Шунингдек, реал вақт режимида ишлайдиган, баҳолаш хизматлари бозорининг барча иштирокчилари, шу жумладан ваколатли орган, баҳолаш ташкилотлари ва баҳолаш фаолияти соҳасидаги жамоат ташкилотлари, баҳоловчиларни тайёрлаш ва малакасини оширишни амалга оширувчи таълим муассасалари ўртасида электрон ҳужжатлар айланмаси, ва электрон ўзаро таъсирлашувни таъминлашга мўлжалланган баҳолаш ҳақидаги маълумотлар, эксперт хулосаси, шунингдек баҳолаш фаолияти тўғрисидаги барча долзарб, ишончли ва доимий янгиланадиган ахборотлардан иборат бўлган электрон маълумотлар базасини ўз ичига олган **Баҳолаш фаолиятини ягона платформаси ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.**

Агентликнинг “Давлат мулки” ягона ахборот тизимида банкрот деб эълон қилинган корхоналар модулида мавжуд банкрот деб топилган корхона маълумотларни мазкур ишга тайинланган суд бошқарувчиси томонидан киритиб бориш учун **“суд бошқарувчи кабинети” яратилди.**

“Давлат мулки” ахборот тизимининг “Бошқарув ва назорат органлари” модули такомиллаштирилди ҳамда **“Чет элдаги активлар реестри” ишлаб чиқилди ва ишга туширилди.**

Давлат активларини бошқариш агентлигида барча маълумотларни ягона нуқтада умумлаштириб таҳлил қилишни таъминловчи **“Вазиятлар маркази”** техник ва **дастурий томондан ташкил этилди ҳамда ишга туширилди.**

Жаҳон банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни мониторинг қилиш, кузатув кенгаши аъзоларини тайинлаш ва реестрини юритиш ахборот тизими, Ягона кўчмас мулк бозори (мультилистинг) ахборот тизимини ва Давлат иштирокидаги корхоналарни мониторинг қилиш ва ҳисобини юритиш ахборот тизими ҳамда Баҳолаш фаолиятининг ягона ахборот платформаларига техник топшириқлар ишлаб чиқилди ҳамда **Ахборот технологиялари вазирлигининг экспертиза хулосалари олинди.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 июлдаги ПҚ-5171-сон қарори ижроси доирасида **Давлат активларини бошқариш агентлиги, Молия вазирлиги** ҳамда **Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги** давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали билан ўзаро электрон маълумотлар алмашинувини йўлга қўйиш бўйича битим имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Очiq маълумотлар порталига 2021 йил якунлари бўйича Агентликнинг **36 турдаги** очiq маълумотлари жойлаштирилди.

Агентлик ҳамда **12 та** (Олий суд, Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Кадастр агентлиги, Интеллектуал мулк агентлиги, Давлат хизматлари агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимияти, “Ўзбекистон республика товар хом-ашё биржаси” АЖ, “Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” ДУК) вазирлик ва идоралар ўртасида электрон **ахборот алмашинуви ташкил этилган.**

Шу билан бирга, **“IJRO.GOV.UZ”** тизимидаги Агентликнинг барча фойдаланувчилари **электрон рақамли имзо калитлари билан таъминланди.**

Баҳоловчи ва риэлторлик малака сертификатини олиш учун топшириладиган тест жараёнларини очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида реал вақт режимида (онлайн) ижтимоий тармоқлар (**“youtube”**) **орқали кузатиб бориш имконияти яратилди.**

Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича 2021 йилнинг IV-чорак якуний натижалари бўйича рейтингли баҳолашда **яшил рўйхатдан** жой олиб **3 ўринни** эгаллади.

Ахборот хавфсизлиги йўналиши:

Агентликнинг ахборотлаштириш объектларини ахборот хавфсизлиги ҳолати юзасидан (17-19-А-2021-сонли хулосаси) экспертиза (аудит) қилинди ҳамда “Давлат мулки” ягона ахборот тизимини ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги бўйича **экспертизадан ўтказилди.**

Агентликнинг расмий веб-сайти ахборот хавфсизлиги талаблари асосида “Киберхавфсизлик маркази” ДУК томонидан **экспертизадан ўтказилди.**

Агентлик тизимида фойдаланиладиган **конфиденциал маълумотлар рўйхати** ва Агентлик серверлари ва компьютер қурилмаларида **ўрнатишга рухсат берилган дастурий таъминотлар рўйхати тасдиқланди.**

Агентлик тизимида ҳимояланган корпоратив тармоқ тизимини жорий қилиш, мавжуд ахборот тизимларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ахборот хавфи ҳолат (инцидент)ларини олдини олиш ва уларни доимий мониторинг қилиб бориш учун ҳудудий бошқармаларга **12 та замонавий сервер қурилмалари харид қилинди** ҳамда синовдан ўтказилиб, бирламчи дастурий таъминотлари ўрнатилди ва ҳудудий бошқармаларда фойдаланиш учун берилди.

Агентлик Давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида **ахборот ва киберхавфсизлик ҳолати юзасидан** 2021 йилнинг IV-чорак якуний натижалари бўйича **3 ўринни** эгаллади.

Агентликнинг **“2022 йилга мўлжалланган ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси”** ишлаб чиқилди ва тасдиқланди ҳамда **“Киберхавфсизлик маркази” ДУК билан келишилди.**

Малака ошириш йўналиши:

“Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида Департаментнинг барча (**100 фоиз**) ходимлари uzbekcoders.uz порталида онлайн рўйхатдан ўтиб, жорий йилнинг март ойида **Front End Development Track** ўқув курсини муваффақиятли якунлади ва тегишли **сертификатларга эга бўлди.**

Департаментнинг барча (**100 фоиз**) ходимлари **хорижий ўқув курсларда** онлайн тарзда малакасини оширди ва **халқаро IT-сертификатларга эга бўлди.**

VII. Баҳолаш ва риэлторлик фаолияти билан боғлиқ масалалар

I. Риэлторлик фаолият бўйича:

Риэлторлик ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидаларига риоя этиш юзасидан Евроосиё гуруҳи (ЕАГ) учун легаллаштириш миллий тизимини ушбу соҳадаги **халқаро стандартларга мувофиқлиги ва самарадорлигини баҳолаш ишлар амалга оширилди:**

"Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари"га тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ва Адлия вазирлигида (рўйхат рақами 2257-4, 2021 йил 17 июнь) **давлат рўйхатидан ўтказилди.**

II. Баҳолаш фаолияти бўйича:

а) Баҳолаш фаолиятининг ягона ахборот платформасини яратиш бўйича Концепция ҳамда Техник топшириқ якуний лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Ахборот технологиялари вазирлиги томонидан ушбу лойиҳани келгусида амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги тўғрисида концепция лойиҳасига хабарнома ва техник топшириқ лойиҳасига **ижобий эксперт хулосалари олинди.** (*Ахборот технологиялари вазирлигининг 2021 йил 8 июлдаги 07-8/4955-сонли хабарномаси ва 2021 йил 8 июлдаги 07-8/4958-сонли эксперт хулосаси*);

Агентлик томонидан Платформа концепцияси ва техник топшириғи лойиҳалари 2021 йил 19 июлда тасдиқланди ва тасдиқланган концепцияга ва техник топшириққа мувофиқ Баҳолаш фаолиятининг ягона ахборот платформаси **"www.davbaho.uz" доменида ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.**

б) Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги "Баҳоловчиларга тоифа бериш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги 799-сон қарорига тегишли қўшимча ўзгартиришлар киритиш юзасидан қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди, бунда, **барча сўровномалар ва маълумотлар олиш фақат электрон тартибда амалга оширилиши** ҳамда баҳоловчиларга тоифа бериш **махсус QR-кодли хужжат орқали** тақдим этилиши назарда тутилади.

д) Баҳолаш соҳасида ўзини-ўзи бошқариш механизмининг ривожлантириш мақсадида, жорий йилнинг октябрь ойидан баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари сифатида янги **"Ўзбекистон баҳоловчилар, экспертлар ва маслаҳатчилар жамияти"** (17.08.2021 йил 1003-сон Гувоҳнома) **ташkil этилди.**

VIII. Инсон ресурслари ва ходимлар салоҳиятини ривожлантириш

Агентлик тизимидаги вакант лавозимларга ходимларни танлов асосида қабул қилиш бошланиб, ҳисобот даврида ишга қабул қилиш бўйича Агентлик тизими бўйича жами **3547 та мурожаат** келиб тушди, улардан **1251 тасига** тестда иштирок этиш белгиланган шартларга мослигига кўра рухсат берилди, тестда иштирок этганлар сони 654 нафарни ташкил этди.

Шунингдек, тестдан муваффақиятли ўтиб суҳбатда иштирок этган номзодлар сони 332 нафар ва **суҳбат натижаларига кўра 51 нафар (14 нафар марказий аппарат)** номзод билан меҳнат шартномаси тузилди.

Ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш:

Агентлик биносида ходимларни спорт билан шуғулланишлари учун **тренажёрлар хонаси ташкил этилди.**

Ҳар дам олиш кунлари турли хилдаги спорт йўналишлари бўйича **25-35 нафар** ходимлар **иштироки ташкил этилди.**

Агентлик марказий аппаратининг **4 нафар** ходими шахмат бўйича ўтказиладиган идоралараро **мусобақада иштирок этди.**

Малака ошириш йўналиши:

2021 йилнинг иш режасига мувофиқ ходимларни малакасини турли курсларда ошириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан:

Франция тараққиёт агентлигининг “Иқтисодий бошқарувни такомиллаштириш дастури” лойиҳаси доирасида Давлат активларини бошқариш агентлиги ходимлари учун 2021 йил 6,13 ва 21 январь кунлари “Корпоратив бошқарув”. “Хусусийлаштириш” ва “Халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш” мавзуларида семинар–тренинглар ташкил этилди. Ушбу семинар-тренингларда франциялик мутахассислар ва **40 нафар** Агентлик ходимлари иштирок этдилар.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ўзбек-Ҳинд ахборот технологиялари маркази томонидан ташкил этиладиган ўқув курсларида “Рақамли саводхонлик: маълумотлар билан ишлаш асослари” мавзусида **15 нафар** марказий аппарат ходимлари жорий йил 5-15 май кунлари малака оширдилар ва сертификатлар олди.

IX. Ташкилий ва ижро интизоми назорати

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш:

Агентликка 2021 йил давомида жисмоний ва юридик шахсларнинг жами **2 771 та** мурожаати келиб тушган бўлиб, мазкур мурожаатларнинг **1 801 таси** электрон шаклдаги мурожаатлар, **740 таси** ёзма мурожаатлар, **230 таси** оғзаки мурожаатларни ташкил этади, мурожаатларнинг **1 687 таси** жисмоний шахслардан, **1 084 таси** юридик шахслардан келиб тушган.

Мурожаатларнинг **1 612 тасига** тушунтиришлар берилди, **17 таси** тегишлилиги бўйича бошқа ваколатли идора ва ташкилотларга кўриб чиқиш учун юборилди, **1 024 таси** бўйича тегишли чоралар кўрилди, **118 таси** кўриб чиқиш жараёнида.

Шунингдек, мурожаатларнинг **810 таси** хусусийлаштириш масаласида, **434 таси** ижара масаласида, **38 таси** инвестиция мажбуриятларининг бажаралиши бўйича, **388 таси** корхона раҳбарларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида, **42 таси** давлат активларини бошқариш масаласида, **75 таси** банкротлик масаласида, **31 таси** баҳолаш ва риэторлик масаласида ва **953 таси** бошқа масалаларда келиб тушган.

Х. Бўш турган биноларни аниқлаш, улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш

1) Бўш турган давлат мулки объектларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш

2 773 та бўш турган давлат мулки объектлардан **1 799 тасидан (66,4%)** самарали фойдаланиш йўлга қўйилди.

Маълумот учун. Уларнинг **478 таси** ишга тушди, **247 таси** инвестиция мажбурияти билан сотилди, **342 таси** савдога чиқарилди, **42 таси** уй-жой фондига ўтказилди, **147 таси** бузилди, **99 таси** ДХШ асосида танловга қўйилди, **163 таси** ижарага бериш учун аукционга чиқарилди, **197 таси** инвестиция дастурига киритилди, **51 тасини** бузиш белгиланган ва **33 таси** бошқа давлат органига ўтказилди.

Қолган **974 та** объектлардан самарали фойдаланиш шу жумладан е-аукцион савдо платформасида сотиш юзасидан қарор лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

2) Давлат улуши мавжуд жамиятларга тегишли бўш турган ва носоҳавий объектлардан самарали фойдаланиш чораларини кўриш

Хатловда аниқланган давлат иштирокидаги корхоналарнинг **1 514 та** объектлардан **704 таси** Ҳукумат қарорига киритилган.

Қолган **810 та** бўш турган шу жумладан носоҳавий объектларни оммавий савдоларда сотиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

3) Бўш турган хусусий мулк объектларини аниқлаш ва тезкор хўжалик фаолиятига қайтариш бўйича чоралар

Ҳудудларда аниқланган **38 897 та** хусусий мулкка тегишли бўш турган объектларидан:

- **19 512 тасига** оширилган ставкада **1 205,7 млрд. сўм**лик солиқ қўлланилиб, бюджетга **445,2 млрд. сўм** ундирилди;

Маълумот учун, оширилган ставкаларда ҳисобланган солиқ: **2 баравар – 3 978 та** объектга ёки **39,2 млрд. сўм**, **5 баравар – 3 278 та** ёки **110,5 млрд. сўм**, **10 баравар – 4 350 та** ёки **239,5 млрд. сўм**, охириги ошириб қўлланилган миқдорнинг **икки баравари – 7 906 та** ёки **816,5 млрд. сўм**.

- **18 148 та** бўш турган хусусий мулк объектлари хўжалик фаолиятига жалб этилиши таъминланди;

- янги аниқланган **1 237 та** бўш турган хусусий мулк объектларига таъсирчан солиқ механизми қўллаш чоралари кўрилди.

Мулкларни ижарага бериш

а) 2021 йилда умумий майдони **6 261,0 минг кв.м.** бўлган давлат объектлар бўйича **25 037 та** ижара шартномалари расмийлаштирилган.

Ушбу объектлар бўйича **245,1 млрд. сўм** ижара тўловлари ундирилди.

XI. Бўш ер участкаларини савдога чиқариш

Жами **54 007 та** объектлар **10,2 трлн. сўм** бошланғич нархда савдога чиқарилган бўлиб, шундан **1 821,0 млрд.сўмга** бошланғич нархда **23 694 та** объектлар **2 376,7 млрд.сўмга** сотилди.

Шундан:

а) Давлат кўчмас мулки объектлари ва давлат улушлари - **509 та 1 008,3 млрд.сўм** бошланғич нархда савдога чиқарилган, шундан **737,1 млрд.сўмга** бошланғич нархда **296 та** объект **904,8 млрд.сўмга** сотилди;

б) Бошланғич нархи **1 сўмлик** бўш турган давлат бинолари – **102 та** объект савдога чиқарилган ва **260 та** объект **10,1 млрд. сўмга** сотилди;

в) **29 542 та** тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкалари **414,0 млрд. сўм** бошланғич нархда савдога чиқарилди, шундан **88,4 млрд.сўмга** бошланғич нархда **8 864 та** ер участкалари **174,1 млрд.сўмга** ёки **2 баробар** қимматроқ сотилди.

Маълумот учун. Майдони **78,3 га** бўлган **1706 та** ер участкаси аёл тадбиркорларга сотилди (сотилган қиймати – **21,9 млрд. сўм**).

б) Кўп қаватли уй-жой қуриш учун **189 та** ер участкалари савдога чиқарилди, шундан **19,0 млрд.сўмга** бошланғич нархда савдога чиқарилган **137 та** ер участкалари **43,5 млрд.сўмга** сотилди (**2,3 баробар** қиммат).

в) Ундирувга қаратилган **6 315 та** мулк **6 180,2 млрд.сўм** бошланғич нархда савдога чиқарилди, шундан **597,4 млрд.сўмлик 2 144** таси **723,4 млрд.сўмга** сотилди.

г) Давлат мулкани ижарага бериш бўйича **5 814 та** объект **53,1 млрд. сўм** бошланғич нархда савдога чиқарилган ва бошланғич нархи **33,9 млрд. сўм** бўлган **4 361 та** объект йилига **57,7 млрд. сўм** ижара ҳаққи тўлаш эвазига тадбиркорларга ижарага берилган (**1,7 баробар** қиммат);

д) Уй-жой қуриш учун ҳуқуқини бериш бўйича **3 911 та** ер участкалар **8,1 млрд. сўмга** савдога чиқарилган бўлиб, бошланғич нархи **7,4 млрд. сўм** бўлган **4 077 та** ер участкалар **15,4 млрд. сўмга** сотилган (**2,1 баробар** қиммат);

е) шунингдек **7 625 та** бошқа объектлар **2 421,0 млрд. сўмга** савдога чиқарилган ва бошланғич нархи **337,9 млрд.сўмлик 3 555 та** объект **447,7 млрд.сўмга** сотилган.

Шунингдек, электрон савдо платформасида аукционда иштирок этувчилар сони очикланди ва аукцион жараёнини онлайн режимида кузатиб бориш модули яратилди.

Электрон савдо платформасида ташкил этиладиган электрон аукционлар тартиб-таомилларнинг ягона тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланди.

XII. ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш

а) 2021 йил давомида “Тошкент” РФБ ва “Элсис-савдо” БТЭТ савдо майдончаларида жами **1 326,44 млрд.сўм** (9,8%) миқдордаги **74 381 та**, уюлмаган биржадан ташқари бозорда эса **14 439,69 млрд. сўм** (90,2%) миқдордаги **5 713 та** битим тузилган. Шу жумладан, “Тошкент” РФБ савдо майдончаларида 2021 йил давомида облигация чиқарилишларини жойлаштириш бўйича **113,40 млрд. сўм** миқдордаги **300 та** битим тузилган.

2022 йил 1 январь ҳолатига, қимматли қоғозлар бозорининг умумий бозор айланмаси **15 766,13 млрд. сўм**ни ташкил этди.

б) Жорий йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий депозитарий томонидан **601 та** маҳаллий эмитентнинг **810** турдаги қимматли қоғозларига халқаро кодлар берилди.

Марказий депозитарий томонидан юритиладиган депонентларнинг ягона базаси 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига **906 758 тани**, шу жумладан **841 380 та** жисмоний шахсни ва **65 378 та** юридик шахсни ташкил этди.

2021 йил давомида эса АЖ акциядорларининг **54 та** йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишлари Марказий депозитарий томонидан 2020 йилда жорий этилган, акциядорларнинг умумий йиғилишларини Интернет тармоғи орқали онлайн тарзда масофадан туриб ўтказишга мўлжалланган “Электрон овоз бериш - e-VOTE” хизматидан фойдаланган ҳолда, масофавий тарзда ўтказилди.

в) 2018-2020 йиллардаги хўжалик фаолияти бўйича молиявий ҳисоботларни МҲХСга мувофиқ трансформация қилинди;

- EVOTE.UZ электрон овоз бериш платформасида акциядорлик жамиятлари Кузатув кенгашларининг мажлисларини ўтказишни кўзда тутадиган дастурий модулни ишлаб чиқиш устида иш олиб борилди;

- Чет эл номинал сақловчилар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш учун SWIFT алоқа каналига уланиш бўйича ISO15022 ва ISO20022 халқаро стандартларига мувофиқ SWIFT хабарлари форматларини ишлаб чиқиш бўйича танлов эълон қилиш учун харид ҳужжатлари тўплами тайёрланди.